

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOŞQARUVI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT SOLIQ QŪMITASINING
QARORI

127 Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақ-
ларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тар-
тиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2342*

(2012 йил 25 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (Ўзбекистон Респуб-
ликаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова), Солиқ
кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.,
52 (I)-сон), Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги ПФ-1504-сон «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 8-сон, 103-модда), 1998 йил 4 февралдаги ПФ-1923-сон «Ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ҳамда республика бюджети ва маҳаллий бюджетларга тўловлар тушишини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги ва 2002 йил 30 мартдаги ПФ-3047-сон «Пул массаси ўсишини чеклаш ва молиявий интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 3-сон, 51-модда) фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 22 январда 104-в, 21-сон ва Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 30 январда 615-сон билан тасдиқланган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома» (рўйхат рақами 615, 1999 йил 30 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 3 мартда 104-в-1, 21-сон ва 615-1-сон билан тасдиқланган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 1-сон қўшимча» (рўйхат рақами 615-1, 1999 йил 3 март);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1999 йил 21 апрелда 104-в-2-сон, Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 20 апрелда 12-02-29/794-сон ва Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 4 майда 615-2-сон билан тасдиқланган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 2-сон қўшимча» (рўйхат рақами 615-2, 1999 йил 4 май);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1999 йил 27 сентябрда 104-в-3-сон, Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 22 сентябрда 21-3-сон ва Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 январда 615-3-сон билан тасдиқланган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 3-сон ўзгартириш ва қўшимча» (рўйхат рақами 615-3, 2000 йил 5 январь);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 6 январда 104-в-4, 4-сон ва Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 1 мартда 615-4-сон билан тасдиқланган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 4-сон ўзгартириш» (рўйхат рақами 615-4, 2000 йил 1 март).

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 12 декабрь,
35/4-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 12 декабрь,
82-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 12 декабрь,
2011-41-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви,
Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси-
нинг 2011 йил 12 декабрдаги 35/4, 82,
2011-41-сон қарорига
ИЛОВА

**Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан
пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова), Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 52(I)-сон), Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 54-модда) ва «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 512-модда) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги ПФ–1504-сон «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 8-сон, 103-модда), 1998 йил 4 февралдаги ПФ–1923-сон «Ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ҳамда Республика бюджети ва маҳаллий бюджетларга тўловлар тушишини рағбатлантириш чоралари тўғрисида» ва 2002 йил 30 мартдаги ПФ–3047-сон «Пул массаси ўсишини чеклаш ва молиявий интизомига риоя этилиши юзасидан жавобгарликни ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 5-6-сон) фармонларига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан (кейинги ўринларда ҳисобварақ деб юритилади) пул маблағлари уларга қўйилган талабларни қондириш учун етарли бўлмаганда, маблағларни ҳисобдан чиқариш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқнома талаблари:

тугатилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг тугатиш ҳисобварақларига; қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хатланган ҳамда суд, суд ижрочилари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан ҳисобварақлардан фойдаланишга оид чекловлар ўрнатилган ҳисобварақларга;

бюджет маблағларини олувчиларнинг кредиторлик қарзларини тўлаш учун уларнинг ҳисобварақларига маблағ ажратиш режалари чегарасида молия ва солиқ органлари томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссиясининг тегишли қарори асосида Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқланган схемаларда белгиланган ҳисобварақларга;

қонун ҳужжатларига мувофиқ маблағлар тақсимотининг алоҳида тартиблари белгиланган хўжалик юритувчи субъектларнинг мазкур Йўриқноманинг 1-илоvasида келтирилган ҳисобварақларига нисбатан қўлланилмайди.

2. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида (кейинги ўринларда асосий ҳисобварақ деб юритилади) етарли миқдорда пул маблағлари бўлганда, маблағларни ҳисобдан чиқариш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда миқдорнинг фармойишига ва бошқа пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг келиб тушиши тартибидан амалга оширилади.

3. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағида маблағ унга қўйилган талабларни қондириш учун етарли бўлмаган ҳолда, пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари 2-сон картотекага кирим қилинади. 2-сон картотека хўжалик юритувчи субъектнинг фақат асосий ҳисобварағи очилган банкда шакллантирилади.

4. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағидаги маблағлар унга қўйилган талабларни қондириш учун етарли бўлмаганда, асосий ҳисобвараққа хизмат кўрсатувчи банк 2-сон картотека пайдо бўлганлиги тўғрисида 3-сўровноманинг «тақиқ» файлини «2» белгиси билан шакллантириб, Банк депозиторлари миллий ахборотлар базасига дастурий равишда юборади. Ушбу маълумотлар Банк депозиторлари миллий ахборотлар базаси орқали барча бошқа ҳисобварақлар очган банкларга узатилади.

Мазкур маълумотлар банклар томонидан давлат солиқ хизмати органларига ахборот тариқасида тақдим этилади.

Ҳисобварақ очган банклар ушбу маълумотномани амалиёт куни давомида олганда, шу амалиёт кунидан кечикмаган ҳолда, маълумотномани амалиёт кунидан кейин олганда эса кейинги амалиёт кунида мазкур миқдорнинг асосий ҳисобварағига қўйилган талабларни қондириш учун хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа ҳисобварақларидаги пул маблағларини унинг асосий ҳисобварағига мемориал ордер асосида ўтказиб беришлари шарт.

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағида 2-сон картотека пайдо бўлгандан сўнг, унинг бошқа барча иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очилган банклар томонидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш ва асосий ҳисобварағига бўлган тўловлардан ташқари бошқа тўловларни амалга ошириш тақиқланади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа ҳисобварағидан тўловлар асосий ҳисобварағи очилган банкдан унинг 2-сон картотекаси мавжуд эмаслиги тўғрисидаги файл маълумот дастурий равишда олингандан сўнг амалга оширилади.

5. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағи очилган банкда 2-сон картотека мавжуд бўлган ҳолларда тўловлар қуйидаги навбатда амалга оширилади:

а) навбатдан ташқари, ҳисобварақ эгасининг аризасига кўра бевосита ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) фаолияти билан боғлиқ бўлган кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлари учун тўловлар ўтган ой давомида унинг фақат асосий ҳисобварағига келиб тушган жами тушумларнинг 5 фоизи миқдоригача, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиладиган рўйхатга асосан ўта муҳим объектларни қўриқловчи бўлинмалар хизматидан фойдаланувчи ҳисобварақ эгалари учун эса 6 фоиз миқдоригача амалга оширилади.

2-сон картотека пайдо бўлганда, ҳисобварақ эгаси томонидан ариза кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар миқдорига боғлиқ ҳисоб-китоб билан бирга шу ойнинг кейинги декадаси биринчи санасига, жорий ойнинг учинчи декадаси ва кейинчалик эса кейинги ойнинг учинчи санасигача банкка тақдим қилинади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ўзига хослигидан

келиб чиққан ҳолда, бевосита ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ бўлган, ўта муҳим объектларни қўриқловчи бўлинмалар хизмати бўйича харажатларни ҳам ҳисобга олган ҳолда зарурий харажатлар рўйхатини аниқлайди.

Ҳисобварақ эгаси кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун маблағлар ҳисоб-китобини ва аризани банкка тақдим этган куннинг эртасидан бошлаб жорий ой давомида ушбу тўловларни тўлиқ ёки бўлиб-бўлиб амалга ошириши мумкин. Кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун маблағлар лимитининг ишлатилмаган қисми жорий ойнинг охиригача кунигача ишлатилиши мумкин ва кейинги ойга ишлатиш учун ўтказилмайди.

Кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун тўловлар ҳисобварақ эгасининг тўлов топшириқномалари бўйича амалга оширилади. Бунда тўлов топшириқномаларининг «тўлов мақсади» графасида «кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар суммаси ҳисобига», деб ёзилган бўлиши шарт.

Банклар кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун сарфланадиган маблағлар лимитининг тўғри ҳисобланганлиги (аниқлашини) ва унга риоя қилинишини назорат қилади.

Кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун сарфланадиган маблағлар лимити нотўғри ҳисобланганлиги аниқланган тақдирда, улар бўйича тақдим этилган ариза ва тўлов ҳужжатлари банк томонидан ижро учун қабул қилинмайди;

б) биринчи навбатда, мутаносиб равишда бюджетга, бюджетдан ташқари фондларга тўловларни ҳамда иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов (ижрочи) ҳужжатлари бўйича, алиментларни ундиришга доир талабларни қондириш учун ҳисобварақдан пул маблағларини ўтказиш ёки пулни беришни назарда тутувчи ижрочи ҳужжатлар бўйича, муаллифлик шартномаларига биноан мукофотларни тўлаш бўйича, шунингдек ҳаёти ва саломатлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича, бюджетга тўловлар бўйича ҳамда меҳнатга оид ва унга тенглаштирилган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган тўловлар бўйича хўжалик субъектларининг мажбуриятлари тенг даражада бажарилишини таъминловчи ижрочи ҳужжатлар бўйича пул ўчирилади;

в) иккинчи навбатда, навбатдан ташқари ва биринчи навбатдаги тўловлар амалга оширилгандан кейин асосий ҳисобварақдан қуйидаги мажбуриятларнинг календарь навбати тартибида бажарилиши таъминланади:

мазкур банднинг «б» кичик бандида назарда тутилмаган бошқа ижро ҳужжатлари бўйича инкассо топшириқномалари юзасидан тўловлар;

банклар томонидан хўжалик юритувчи субъектларга Ҳукумат қафолати остида берилган муддатли ва муддатида қайтарилмаган кредитларни (уларнинг фоизларини ҳам) қайтариш учун қўйилган мижознинг талабномалари бўйича тўловлар;

г) учинчи навбатда, ушбу хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварақига қўйилган бошқа пул талаблари юзасидан тўловларни амалга оши-

риш бўйича тўлов ҳужжатларининг келиб тушиш санасига қараб календарь навбатида ҳисобдан чиқарилади.

6. Хўжалик юритувчи субъектнинг миллий валютадаги ҳисобварақларидаги маблағлар қўйилган талабларни қондириш учун етарли бўлмаса, хизмат кўрсатувчи банк давлат солиқ хизмати органларининг тақдимномаси асосида мазкур хўжалик юритувчи субъектнинг чет эл валютасидаги ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағнинг ушбу талабларни қондириш учун етарли бўлган миқдоридаги қисмини кейинги иш кунидан кечикмаган ҳолда Республика валюта биржасига сотиш учун буюртманома киритади.

7. Ваколатли банк томонидан чет эл валютасини сотишдан олинган маблағлар хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағига кирим қилинади ва ушбу Йўриқномада белгиланган тартибда мазкур ҳисобвараққа тақдим этилган талабларни қондириш учун йўналтирилади.

8. Хўжалик юритувчи субъектларнинг муддатли ва жамғарма депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ушбу Йўриқноманинг 5-бандида кўрсатиб ўтилган талабларни қондириш учун депозитнинг шартномада кўрсатилган муддати тугагандан кейин банклар томонидан асосий ҳисобвараққа кирим қилинади.

9. Асосий ҳисобварақда унга қўйилган талабларни қондириш учун маблағлар етарли бўлмаган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларнинг муддатли ва жамғарма депозитлари бўйича депозит шартномаларини узайтириш ҳамда янги шартномалар тузиш тақиқланади.

II. Пул маблағлари етарли бўлмаган ҳолда пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариш

10. Кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун маблағлар лимити аниқлангандан ва захира қилингандан кейин хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағидан пул маблағларини мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариш мазкур Йўриқноманинг 5-банди «б» кичик бандида назарда тутилган навбат асосида амалга оширилади.

11. Мутаносиб равишда ҳисобдан чиқаришни амалга ошириш учун асос бўлиб қуйидаги ҳужжатлар хизмат қилади:

тўловчининг бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлари бўйича тўлов топшириқномалари;

давлат солиқ хизмати органларининг бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш борасидаги инкассо топшириқномалари;

божхона хизмати органлари томонидан муддатида тўланмаган божхона тўловларини ундириш борасида инкассо топшириқномалари;

давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг даромадларига (жарима ва молиявий санкциялар ҳамда бошқа шунга ўхшаш тўловлар кўринишидаги) ҳисобварақ эгасининг тўлов топшириқномалари;

суд департаменти органлари томонидан қўйилган инкассо топшириқномалари;

ходимларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш учун ҳисобварақда маблағларни банд (брон) қилишга доир ариза, шунингдек иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий бадалларни, Касаба уюшмаларига ихтиёрий бадалларни, жисмоний шахсларни даромад солиғи ҳамда жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларини ўтказиш бўйича хўжалик юритувчи субъект раҳбари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс томонидан имзоланган ва думалоқ муҳр билан тасдиқланган реестр илова қилинган тўлов топшириқномалари ҳамда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш борасидаги суд қарори асосида ижро органлари томонидан қўйилган инкассо топшириқномалари;

конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўлов ҳужжатлари.

12. Банд (брон) қилишга доир ариза банк билан келишилган графикдаги кундан бир кун олдин тақдим этилиши лозим. Банд (брон) миқдори иш ҳақидан ажратмаларсиз шакллантирилган бўлса ҳамда аризада кўрсатилган иш ҳақига тенглаштирилган тўловлар суммасига тўлов топшириқномалари банкка тақдим қилинмаса, банк томонидан бундай аризалар қабул қилинмайди.

13. Хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий ҳисобварағига қўйилаётган биринчи навбатдаги талабларни мутаносиб равишда қондириш улуши қарзларнинг умумий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Мутаносибликни аниқлашда солиқлар ва йиғимларнинг барча турлари бўйича қарз бюджетга тўловлар сифатида бир миқдорга жамланади ҳамда уларга нисбатан битта улуш аниқланади. Барча давлат мақсадли жамғармаларининг барча талаблари ҳам шундай усулда жамланади, кейинчалик улар давлат мақсадли жамғармалари ўртасида мутаносиб тартибда тақсимланади.

14. Иш ҳақини бериш, шунингдек иш ҳақи тўлаш учун олинган кредитларни қайтариш, белгиланган миқдорлардаги ушлаб қолинган даромад солиғи, жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадаллар, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар ва Касаба уюшмасига ихтиёрий бадаллар суммаларини ўтказиш мутаносиб равишда амалга оширилади.

15. Мутаносиб тақсимлаш ҳисобварақдаги маблағларнинг кун бошидаги қолдигидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Ойнинг охириги банк иш кунида асосий ҳисобварақларга келиб тушган маблағлар кун давомида мутаносиб тақсимланади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағидаги маблағлар унга қўйилган талабларни қондириш учун етарли бўлмаган ҳолда, ҳисобварақдан пул маблағларини мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариш мазкур Йўриқноманинг 2-иловасида келтирилган мисол асосида амалга оширилади.

III. Яқуний қоида

16. Мазкур Йўриқноманинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг
банк ҳисобварақларидан пул маблағларини
ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага
1-ИЛОВА

**Қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратилмайдиган
банк ҳисобварақлар
РЎЙХАТИ**

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий ҳисобварағи очилган билан ҳисобварағида «888» тартиб рақам билан очилган ҳисобварақ.
2. 22604 — Мижозларнинг бошқа депозитлари — Жамғарма — Мақсадли. (Ҳукумат қарорлари асосида ажратилган маблағлар)
3. 22626 — Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари. (Ҳукумат қарорлари асосида ажратилган маблағлар)
4. 23202 — Клиринг трансакциялар.
5. 23204 — Бир марталик ўзаро ҳисоб-китоблар учун бюджет маблағлари.
6. 23208 — Молия вазирлиги фондлари билан бўладиган клиринг трансакциялари.
7. 23210 — Молия вазирлиги фондларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ажратилган мақсадли маблағлар.
8. 23218 — Молия вазирлиги фондидан ажратилган мақсадли маблағлар.
9. 23220 — Молия вазирлиги фондидан олинган мақсадли маблағлар.
10. 23222 — Молия вазирлиги фондининг мақсадли маблағлари.
11. 23224 — Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро бир марталик ҳисоб-китоблар учун бюджет маблағлари.
12. 23226 — Республика бюджетининг экспортчи-корхоналар билан бўладиган мақсадли ҳисоб-китоблар учун маблағлари.
13. 23228 — Республика бюджетининг пудратчи ташкилотлар билан бўладиган мақсадли ҳисоб-китоблар учун маблағлари.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг
банк ҳисобварақларидан пул маблағларини
ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага
2-ИЛОВА

**Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағидан
маблағларни талабларни қондириш учун мутаносиб равишда
ҳисобдан чиқаришга оид
МИСОЛ**

Хўжалик юритувчи субъектнинг банк ҳисобварағига келиб тушган кунлик маблағлар унинг бюджет, давлат мақсадли жамғармаларга тўловлар бўйича қарзи ҳамда ҳисобварағида иш ҳақи учун банд (брон) мавжуд бўлганда, қуйидаги тартибда мутаносиб равишда тақсимланади:

Масалан миқдорнинг асосий ҳисобварағида кун бошида 5000 минг сўм миқдоридан маблағлар қолдиғи мавжуд.

Хўжалик юритувчи субъектнинг тўлов топшириқномалари ва тегишли органларнинг инкассо топшириқномаларига асосан қуйидаги тўловлар бўйича қарз мавжуд:

бюджетга — 4000 минг сўм (фойда солиғидан — 3000 минг сўм, ҚҚСдан — 500 минг сўм, бюджетга тўланадиган бошқа солиқлар ва тўловлардан — 500 минг сўм);

давлат мақсадли жамғармалар олдида — 2350 минг сўм, бундан Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўловлар бўйича 825 минг сўм, сотилган товар (ишлар, хизматлар) ҳақиқий ҳажмидан ҚҚС ва акциз солиғини айириб олган ҳолда 0,7% ажратмалар — 534 минг сўм, Республика йўл жамғармасига — 477 минг сўм ва бошқа давлат мақсадли жамғармаларга, шу жумладан мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар — 514 минг сўм;

Бундан ташқари, иш ҳақи бўйича умумий сумма — 3000 минг сўм, ундан иш ҳақи тўлашга берилган кредит суммаси — 1000 минг сўм, иш ҳақини бронлаш суммаси — 2000 минг сўм, унга қуйидагилар киради: даромад солиғи — 380 минг сўм ва жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадаллар — 20 минг сўм, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий бадаллар суммаси (4,5%) — 90 минг сўм ва Касаба уюшмасига бадаллар (1%) — 20 минг сўм.

Ҳисобварақдаги ушбу барча талаблар жамланади ($4000 + 2350 + 3000 = 9350$ минг сўм) ва 100 фоиз деб қабул қилинади. Юқорида санаб ўтилган талабларнинг ҳар бирини қондириш бўйича мутаносиблик қуйидагича аниқланади: 9350 минг сўм 100 фоиз деб қабул қилинади ва ҳисобварақда мавжуд 5000 минг сўм маблағларнинг унга нисбати аниқланади, яъни қуйидаги ҳисоб-китоб амалга оширилади: $5000 \times 100 / 9350 = 53,476\%$.

Ушбу талабларнинг миқдоридан келиб чиққан ҳолда, уларнинг ҳар бирининг улуши тегишли мутаносибликларда аниқланади:

1) Бюджетга тўловлар улуши: $4000 \times 0,53476 = 2139,0$ минг сўмни ташкил қилади.

2) Давлат мақсадли жамғармаларга тўловлар улуши: $2350 \times 0,53476 = 1256,7$ минг сўмни ташкил қилади.

Давлат мақсадли жамғармаларнинг ичида ҳар бир жамғарма бўйича нисбат (пропорция) белгиланади. Бизнинг мисолимиздан келиб чиқиб, ушбу нисбат қуйидагича бўлади:

ягона ижтимоий тўловлар улуши $825 \times 0,53476 = 441,2$ минг сўмни ташкил этади;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси улуши: $534 \times 0,53476 = 285,6$ минг сўмни ташкил этади;

Республика йўл фондининг улуши $477 \times 0,53476 = 255,1$ минг сўмни ташкил этади;

бошқа давлат мақсадли жамғармаларнинг улуши, шу жумладан мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар $514 \times 0,53476 = 274,9$ минг сўмни ташкил этади;

3) Иш ҳақи бўйича умумий сумма (шу жумладан, иш ҳақини тўлашга берилган кредит ва иш ҳақи фонди бўйича бронни ўз ичига олган ҳолда) $3000 \times 0,53476 = 1604,3$ минг сўмни ташкил этади. Ушбу қисм ичида:

иш ҳақини тўлашга берилган кредитнинг улуши $1000 \times 0,53476 = 534,7$ минг сўмни ташкил этади;

иш ҳақи фонди бўйича броннинг улуши (ўз ичига даромад солиғи, жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадаллар, Пенсия жамғармасига ва касаба уюшмасига бадалларини олади) $2000 \times 0,53476 = 1069,5$ минг сўмни ташкил этади. Улардан:

иш ҳақига бериладиган нақд пуллар улуши $1550 \times 0,53476 = 828,9$ минг сўмни ташкил этади;

жисмоний шахсларнинг даромадидан солиқ улуши $380 \times 0,53476 = 203,2$ минг сўмни (унинг таркибида жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадаллар улуши $20 \times 0,53476 = 10,7$ минг сўмни) ташкил этади;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг улуши (4,5%) $90 \times 0,53476 = 48,1$ минг сўмни ташкил этади;

Касаба уюшмалари ихтиёрий бадаллар улуши (1%) $20 \times 0,53476 = 10,7$ минг сўмни ташкил этади.

Шу тариқа, хўжалик юритувчи субъектнинг бюджетга солиқ ва йиғимларнинг ҳар бир тури бўйича қарздорлиги бюджет олдидаги умумий қарздорлигидан 53,476 фоиз миқдорида қондирилади. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг давлат мақсадли жамғармалар олдидаги қарздорлиги ушбу давлат мақсадли жамғармалар олдидаги умумий қарздорликдан 53,476 фоиз миқдорида қондирилади. Хўжалик юритувчи субъектнинг иш ҳақи бўйича қарздорлиги ҳам жисмоний шахслар даромадидан солиқ, жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадаллар, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўловлар ва Касаба уюшмасига ихтиёрий

11 (511)-сон

— 171 —

127-128-моддалар

бадалларни ҳисобга олган ҳолда, улар бўйича умумий қарздорликдан 53,476 фоиз миқдорида қондирилади.